

ҲОФИЗИ АБРУ АСАРЛАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИНИ ЁРИТИЛИШИ

Сатторов Хуршид

ФарДУ 1-курс докторанти

Abstract.

The article analyzes the information on the history of Amir Temur's period found in the work "Zubdat ut-tawarikh Baysung'uri" by Hafizi Abru, a historian of the Timurid era. During the analysis, other historical sources that played an important role in illuminating the history of this period were widely used.

Key words: Hafizi Abru, Mirkhond, Abdurazzoq Samarqandi, Amir Temur, "Zubdat ut-tawarikh Baysung'uri", Andijan.

Аннотация.

Мақолада темурийлар даври тарихчиси Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий” асарида учрайдиган Амир Темур даври тарихига оид маълумотлар таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида ушбу давр тарихини ёритишда муҳим ўрин тутган бошқа тарихий манбалардан ҳам кенг фойдаланилган.

Калит сўзлар: Ҳофиз Абру, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий, Амир Темур, “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий”, Андижон.

Ҳофиз Абру номи билан танилган Шихобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий (Хавофий)нинг тарих ва географияга бағишланган асарларида ҳам Фарғона водийси тарихига оид лавҳалар учрайди[1]. Муаллиф “География” асарида Хўжанд шаҳри ва вилояти ҳақида сўз юритиб, ушбу ҳудуднинг иқтисодий ҳолатига оид қимматли маълумотлар келтиради[2]. Тарихчининг Фарғона водийси тарихи учун яна бир муҳим асари “Мажма ат-тавориҳ” деб номланиб, Мовароуннаҳр, Эрон ва Хуросонда исломиятдан аввалги даврдан бошлаб то 1427 йилгача юз берган воқеаларга бағишланади[3]. Асар тўрт жилддан иборат. Асарнинг 4-жилди “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий”, деб номланган бўлиб, Амир Темур ва Мирзо

Шоҳруҳнинг 1427 йилгача бўлган тарихидан иборат. Ушбу қисм ҳижрий 736 йил милодий 1336 йил воқеалари билан бошланади. Ўз навбатида 4-жилд ҳам тўрт қисмга бўлинади ва Техронда 1959-1960 йилларда Сайид Камолхож Сайид Жаводий томонидан нашр этилган. Асар Шарафиддин Али Йаздийнинг “Зафарнома” асари билан бир вақтда ёзилганлигини ҳамда келтирилган маълумотларининг бошқа манбаларда учрамаслиги унинг манбавий аҳамиятини яна ҳам оширади. Жумладан, Амир Темурнинг 1371 йилда Фарғона водийсига келганлиги, Фарғонани бошқариш учун юборилган Мирзо Умаршайх билан биргаликда апарди ва қарлуқ қабилаларидан таркиб топган туманлар водийга жўнатилганлиги, Анқотўра 1388 йилдаги Фарғонага қилган босқинида Сирдарёнинг Тўққиз Торим кечувидан ўтганлиги каби маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даври манбаларида учрамайди. Агар Мирхонд, Хондамир ва Муҳаммад Ҳайдар Мирзолар ўз асарларини ёзишда Яздий асарига суянган бўлса, Абдураззоқ Самарқандий Амир Темур ва Мирзо Шоҳруҳ даврини ёритишда Ҳофиз Аббас мурожаат қилади.

Ҳофиз Аббаснинг муҳим маълумотлар Амир Темурнинг 1371 йилги Мўғулистон юриши йўналишларини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шарафуддин Али Яздий 1370-1371 йили Амир Темур қўшинлари Сирдарёдан ўтиши билан бу ерда турган Кумаз ва Ўрнак Темур таслим бўлганликларини қайд этган[4: Б. 71]. Низомиддин Шомий эса мазкур юриш 1371-1372 йили бўлиб ўтганлигини таъкидлаб, Кумаз ҳақида сўз юритмасдан, бу юриш натижасида Ўрунг Темурнинг таслим бўлганлиги, Амир Темур уни яна шу ҳудуд ҳокими этиб тайинлаб, ортга қайтганлигини баён қилган[5: Б. 89; 6: Б. 99]. Ушбу юриш мақсади ва натижаси ҳақида Муиниддин Натанзий батафсил маълумот беради. У ҳам мазкур воқеалар 1371-1372 йили бўлиб ўтганини қайд этади[7: Б. 116-117]. Натанзий Амир Темурнинг бу юриши натижасида мўғул амирлари Фарғона водийсини тарк этганлигини қайд этган. Ҳофиз Аббас ва Абдураззоқ Самарқандий ҳам Амир Темур Фарғона водийсининг Ўзганд ноҳияси орқали Мўғулистонга юриш қилганлигини таъкидлаган

Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар ўз асарларида исён ҳақида хабар топган Амир Темур Самарқандга ёрдам учун лашкарнинг илғор қисмини Мирзо Жаҳонгир бошчилигидаги жўнатганлигини баён этган. Лекин Муиниддин Натанзий илғорга Мирзо Умаршайх бошчилик қилганлигини таъкидлаб, жанг воқеаларини ҳам батафсил ҳикоя қилади. Ҳофизу Абруда ҳам ушбу воқеалар баёнида фақат Мирзо Жаҳонгир ҳақида сўз юритилган. Бизнингча, Мирзо Жаҳонгир раҳбарлигида жўнатилган кўшин сафида Мирзо Умаршайх ҳам бўлган ва у бу жангда қоровул қисмини бошқарган бўлиши керак. Натанзий ўзининг ушбу асарини дастлаб Мирзо Умаршайхнинг ўғли Искандарга тақдим этганлиги сабабли, Умаршайх фаолиятига кўпроқ эътибор қаратган кўринади. Балки, ушбу исён бостирилгач, Фарғона водийсининг айнан Мирзо Умаршайхга тақдим этилиши ҳам Натанзийнинг шундай хулоса чиқаришига асос бўлган бўлиши мумкин.

Амир Темур мамлакатнинг шарқий қисмини исёнчилардан озод этиб, маъмурий ўзгаришларни амалга оширди. Шарафуддин Али Яздий Мирзо Умаршайхга Фарғона водийсини суюрғол қилиб берилиши борасида “амирзода Умаршайхни Андижонга йибарди”, дейиш билан чекланган бўлса, Ҳофизу Абру ва Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Умаршайхни Ўзганд(Фарғона маъносида)га юборилганлигини таъкидлашади. Низомиддин Шомий воқеалар баёнини тўғридан-тўғри Умаршайхни Андижон шаҳрида эканлигидан бошлайди. Муиниддин Натанзий бу воқеага алоҳида эътибор қаратиб, ўз асарининг бир фаслини мазкур тайинланиш баёнига бағишлайди. “Олам Шаҳзодасининг саъй-ҳаракатлари туфайли тўла ғалаба муяссар бўлгач, – деб ёзган эди муаллиф, – жулду (инъом) тариқасида Ўзжанднинг ўн икки тумани ҳазратга иқтоъ қилиб берилди ва жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ амирзода ул тарафга отланди”. Афсуски, Натанзийда Фарғонанинг ўн икки тумани қайси ҳудудлардан иборат эканлиги аниқ берилмаган.

Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар берган маълумотдан янги ташкил этилган мулкнинг маркази Андижон шаҳри эканлиги

ойдинлашади. Бу фикрни воқеаларнинг кейинги ривожига ҳам тасдиқлайди. Ҳофизу Абру ва Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига кўра Мирзо Умаршайх Фарғонага келгач, Андижонни янги девор билан ўратади. Бу ҳолатни Умаршайх мирзонинг Андижонни водий марказига айлантиришдаги дастлабки қадами, дейиш мумкин.

Мирзо Умаршайх ихтиёрида бир мунча катта лашкар борлигини тахмин қилиш мумкин. Унинг Қамариддин қўшинлари бостириб келаётганидан хабар топиши билан очик майдонда жанг қилиш мақсадида Фарғона водийсининг Мўғулистон билан чегараси томон йўлга чиқиши шундан далолат беради. Низомиддин Шомийнинг маълумотига қараганда, у қоровул қўшини сифатида қозоқ ҳазорасидан тузилган лашкарни олдинга жўнатиб, ўзи уларнинг кетидан борган. Қозоқ ҳазораси эса, Мирзо Умаршайх асосий қўшин билан етиб келмасидан аввал душман томонга ўтиб кетган. Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизу Абру ва Самарқандий қозоқ ҳазораси Мирзо Умаршайхдан қочиб, душман томонига ўтиб кетганлигини қайд этган. Натижада Мирзо Умаршайх жангга кирмай, қолган кучлари билан тоғлар томонга чекиниб, Амир Темурдан ёрдам сўрайди. Хондамир Мирзо Умаршайх Амир Темур ҳузурига вазиятни билдириш учун Донишманд исмли шахс жўнатилганлигини таъкидлайди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг форс тилидан эски ўзбек тилига қилинган таржимасида Амир Темур ҳузурига юборилган хабарчининг исмини берилмасдан унинг сифатини баён қилиниб, донишманд инсон эканлигини қайд этилган. Лекин ушбу асарнинг форс тилидаги матнида жўнатилган хабарчининг исми Донишманд эканлиги ёзилган. Бундан кўринадики, Муҳаммад Али томонидан 1516 йили амалга оширилган таржимада баъзи ўзгаришларга йўл қўйилган, Хондамир эса бу масалада Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига таянган. Натанзий Умаршайх ихтиёридаги қўшин билан Қарсоб соҳилида босқинчилар йўлини тўсганлиги, лекин жанг бошланиши олдидадан уч минг кишилик қозоқ минглиги душман томонга ўтиб кетганлиги

натижасида жангга кирмай, тоғ чўққиларига мустаҳкамланиб, Самарқандга хабар жўнатганлигини қайд этган.

Мирзо Умаршайхнинг Қарсоб (Оби қарс, оби фарс) соҳилида мўғул кўшинини қарши олганлиги фақатгина Натанзий, Ҳофиз Абру ва Абдураззоқ Самарқандийнинг асарлари орқали бизга етиб келган. Қарсоб дарёси ёки сойи ҳақида бошқа манбаларда маълумот учратмадик. Лекин тарихий манбалардаги маълумотлар ва В.В. Бартольд асарларига илова тарзида тузилган хариталарга асосланиб, Қарсоб дарёси ёки сойи Фарғона водийсининг шарқий чегараларидаги тоғларга яқин дарёлардан бирининг номи, деб тахмин қилиш мумкин. Мирзо Умаршайхнинг Андижонга чекинмай, тоғларга чиқиб кетиши бу дарёнинг тоғларга жуда яқин бўлганлигини кўрсатади. Бизнингча, В.В. Бартольд харитасида кўрсатилган Ўзганд шаҳрининг шимоли ва ғарбидан оқиб ўтувчи Ясси номи билан берилган дарёни Натанзий Қарсоб, деб атаган бўлиши мумкин. Бу дарёнинг юқори оқими Фарғона водийсининг шарқий чегараси бўлган Ясси довоғига яқин жойдан оқиб ўтади. Айнан шу ҳудудда Мирзо Умаршайх мўғул босқинчиларига қарши чиққан.

Шу ўринда Қамариддин ҳақидаги фикрларга тўхталиб ўтиш лозим. Низомиддин Шомий Тўхтамиш лашкарбошиларида ҳеч кимнинг номини қайд этмаган бўлса, Шарафуддин Али Яздий уларнинг номини батафсил санаб ўтган. Лекин у Қамариддин ҳақида маълумот бермаган. Мирзо Ҳайдар Амир Темурнинг 1376 йилги Мўғулистонга уюштирилган бешинчи юриши вақтида Қамариддиннинг изсиз йўқолганлигини таъкидлаган. Шунингдек, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларида ҳам 1376 йилдан кейинги воқеалар баёнида Мўғулистон амири Қамариддин номи учрамайди. Фақат Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида Амир Темур кўшинларининг 1383, 1390 йиллардаги Мўғулистонга қилинган юришларида темурийлар лашкари билан жанг олиб борган баҳрин қабиласи вакили амир Қамариддин ҳақида сўз юритилган. Натанзий, Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий ва Хондамир Мўғулистонда мағлуб бўлган Қамариддиннинг

Тўхтамишхон олдиға паноҳ сўраб борганлиги ҳақида маълумот берган. Бундан кўринадики, Мирзо Ҳайдарнинг амир Қамариддин ҳақидаги маълумоти ишончсиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. – С. 40-42; Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. // Бартольд В.В. Сочинения. Т. VIII – М.: Наука, 1973. – С. 74-97; Бўриев О. Ҳофизу Абру ва унинг илмий мероси. // Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. / М. Хайруллаев ва бошқаларнинг таҳрири остида; тузувчилар: А. Ўринбоев, О. Бўриев. – Т.: А.Қодирий номидаги хадқ мероси нашриёти., 1997. – Б. 61 – 62; Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Б. 169 – 171; Ўша муаллиф... Ҳофизу Абру. // Ўша муаллиф... Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Б. 17 – 18; Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Б. 109-110; Амир Темура жаҳон тарихида. – Б. 198; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. – С. 18-19; Mohamad Reza Ghiasian. The “Historical Style” of Painting for Shahrukh and Its Revival in the Dispersed Manuscript of Majma‘ al-Tawarikh Iranian Studies, 2015. Vol. 48, № 6. – P. 871-903.
2. Ҳофизу Абру. “География”дан. // Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. – Б. 74-75.
3. حافظ ابرو. زوبة التواريخ. مقدمة، تصحيح و تعليقات: كمال حاج سيد جوادى. در چهار جلد. تهران، 1960-1959.
4. Шарафиддин Али Йаздий. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Ахмад ва Ҳ.Бобобеков, -Т.: Шарқ, 1997. – 384 б.
5. Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу

- Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и(«Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т.: Ўзбекистон, 1996
6. Мирхонд. Равзат ал-сафо фи сийрат ал-анбиё вал мулук вал хулофо. Қўлёзма. الصفافى سئره الانبياء و الملوك و الخفاور ميرخواند АҚШнинг Мичиган университети кутубхонасидан олинган электрон нусха
 7. Муиниддин Натанзий . Мунтахаб ут-таворихи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи - Гулом Каримий - Т.: Ўзбекистон. 2011. – 264 б.
 8. Хондамир Гиёсиддин. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари – Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов, Изоҳлар муаллифлари – Ашраф Аҳмедов, Исмоил Бекжонов, – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 1272 б.
 9. Usmonov B. ABOUT THE DATE OF THE FIRST AND SECOND MONGOLIAN WALKS OF AMIR TIMUR //Конференции. – 2021.
 - 10.Usmonov, B. "Ferghana in 70 years of XV century." *Scientific journal of the Fergana State University* 2.1 (2019): 39-42.
 - 11.Usmonov, B. "Horticulture in Fergana in the Temurid's period." *Scientific Journal Of The Fergana State University* 2.4 (2019): 73-75.
 - 12.Usmonov, Bahridin Ahmedovich. "A Study of Political Processes in the Fergana Valley In 1371-1376." *Design Engineering* (2021): 6174-6187.